O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 13 август № 167 (3442) Жума




## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси Ричард Майерсни қабул қилди.***



— Биз АҚШ билан муносабатларни юксак қадрлаймиз, — деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. — Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш икки мамлакат учун ҳам манфаатлидир.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди. Мамлакатимиз мазкур ҳужжат доирасидаги мажбуриятларига масъулият билан ёндашаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Томонлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро террорчиликка қарши кураш борасида қатъиятли ва ҳамфикрдир.

Айни пайтда Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари Афғонистонда вазиятни тўла барқарорлаштиришдан ҳам манфаатдордир. АҚШ Афғонистонда тинчликни сақлаш ва террорчиликка қарши курашда халқаро коалицияга бошчилик қилмоқда, Ўзбекистон эса халқ хўжалиги инфратузилмаларини тиклашда фаол кўмаклашмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ**
**олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Товарларни импорт қилиш ва уларни сотиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятини янада тартибга солиш, савдонинг уюшган, маданиятли шаклларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар ("четдан товар олиб келувчилар"):

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи билан юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт;

"Эркин муомалага чиқариш" режимида расмийлаштирилган юк божхона декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлганда, божхона ва бошқа тўловлар тўланган тақдирда буюм бозорларида якка тартибдаги тадбиркорнинг фақат ўзи бевосита олиб келган импорт товарлар билан чакана савдони амалга оширишга ҳақлидирлар.

2. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар ("четдан товар олиб келувчилар")ни юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекцияларида (ҳозир бўлиш тартибида) амалга ошириладиган тартиб белгилансин.

Юридик шахс бўлмасдан, импорт товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошириш учун:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтишлари;

тижорат банкида ҳисоб рақамлари очиши;

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига рухсатномани белгиланган тартибда расмийлаштириши;

давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги солиқ органларидан импорт операциялар субъектининг ҳисобга олиш картасини олиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, Адлия вазирлиги юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялар субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни 2004 йил 1 сентябргача бўлган муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган

(Давоми 2-бетда).

## Хабарлар оқимидан

### *Кўнглинг тоғ бўлсин, болажон*

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги реабилитация марказида «Мафтункор ранглар дунёси» мавзуида ногирон болаларнинг рассомлик бўйича халқаро IX бадиий танлови ўтказилган эди. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон Республикаларидан келган 75 нафар ногирон истеъдод эгалари иштирок этган ушбу танловда хоразмлик Исломжон Тожиев биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Исломжон ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Танлов ҳайъати Исломжоннинг келажакда ҳақиқий ранг қалам устаси бўлиб етишишига ишонч билдирди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### *Анъанавий фестивал*

***ФАРҒОНА (ЎзА. И. ҲАЛИМБЕКОВ).***

Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган "Шу азиз Ватан барчамизники!" анъанавий вилоят фестивали бошланди. Ўн кун давом этадиган мазкур тадбирда барча шаҳар ва туманлар истиқлол йилларида эришган ютуқларини намойиш этади.

Вилоятда эса қўлга киритилаётган муваффақиятлар оз эмас.

Жумладан, бу йилги пилла ва дон топшириш шартнома режалари мамлакатимизда биринчилардан бўлиб адо этилди. Ярим йиллик якунига кўра саноатда ва бошқа соҳаларда ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Қўшма корхоналар сони кундан-кунга ортмоқда. Спорт, айниқса болалар спорти тобора ривожланмоқда.

Фарғонадаги фестивал ўтказилаётган Аҳмад ал-Фарғоний номидаги оромгоҳда ташкил этилган фотостенд ва кўргазмалар йиғилганларни вилоят аҳли қўлга киритаётган ютуқлар, маҳаллалар фаолияти билан таништиради. Санъаткорлар, бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари шаҳарликлар ва меҳмонларга завқ бағишласа, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўргазма-савдоси катта қулайлик яратмоқда.

Фестивал "Халқлар дўстлиги" деб номланган катта томоша билан очилди. Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар вакиллари ўзларининг урф-одатлари, санъатини намойиш этдилар.

## МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Қуролли кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси Ричард Майерс раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида бўлди.

Ўзбекистон мудофаа маҳкамаси раҳбари Қодир Ғуломов ҳамда мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли кучлар бирлашган штаби бошлиғи Исмоил Эргашев билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. Мулоқот чоғида, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро террорчиликка қарши биргаликдаги курашни кучайтириш ва Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

***Кеча пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида сайлов қонунчилигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

## Катта тадбир олдидан

Туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, таълим муассасалари ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев маъруза қилди. У икки палатали парламентнинг аҳамияти, қуйи ва юқори палата ваколатлари, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган сайловларнинг ҳуқуқий асосларига алоҳида тўхталди.

Дарҳақиқат, жорий йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган бу сайловлар аввалги сайловлардан тубдан фарқ қилади. Масалан, олдинлари ҳокимият вакиллик органлари ҳам сайловларда ўз номзодларини кўрсатардилар. Мамлакатимизда 2002 йилда ўтказилган умумхалқ референдуми якунларига кўра, эндиликда шундай ҳуқуққа сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларигина эга. Шу боис нотиқ сайловда номзодларни рўйхатга олиш тартибига алоҳида урғу берди. Шунингдек, сайлов участкалари ва сайлов округлари тузиш тартибига киритилган ўзгартиришларни ҳам эслатиб ўтди. Йиғилиш қатнашчиларини сайлов кампаниясида фаоллик кўрсатишга чақирди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган сайловга оид саволларига батафсил жавоблар олдилар.

**Х. ЭШМАНОВ.**

### *Мустақиллик иншоотлари*






## ЎЗБЕК СЕНАТИ

***Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенатнинг маъмурий биноси қурилиши давом этмоқда.***

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилаётган муҳташам бу иншоотни "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг" компанияси буюртмасига кўра бош пудратчилар — 12-ва 159-трест акциядорлик жамиятлари қурувчилари барпо этаётир.

Қурилиш ишлари жорий йилнинг ноябрь ойига қадар ниҳоясига етказилиши мўлжалланган. Шу мақсадда етти юз нафар қурувчи икки сменада астойдил меҳнат қиляпти.

Сенат мажлисларида бошқа давлатлар ва ҳукуматлар, парламент делегациялари раҳбарлари иштирок этиши, шунингдек халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирлар ўтказилишини ҳисобга олиб, бино меъморий ечими жиҳатидан ҳам жаҳон андозаларига ҳамда миллий анъаналаримизга мос бўлиши таъминланмоқда.

Кошонанинг олди қисмида фавворалар ва ҳовузлар барпо этилади. Бинонинг олд қисмида маҳобатли устунлар ўрнатилиб, тепасида қадимий шарқ меъморчилигининг энг илғор ютуқларидан ҳисобланган уч гумбаз қад ростлайди.

Безак ва нақшларни "Усто" уюшмасининг қўли гул ҳунармандлари ишлаяпти. Улар замонавий архитектуранинг қадимий миллий анъаналаримизга мутаносиб ва ҳамоҳанг бўлишини назарда тутиб, такрорланмас уйғунликка эришмоқдалар.

Бинога Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳам жойлашади. Зеро, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг Конституциямизга нечоғли мослигини аниқлаш айнан шу муассаса ваколатига киради.

— Ҳозиргача қурилишда беш минг тоннадан зиёд металл ишлатилди, — деди 12-трест иккинчи механизациялашган кўчма бошқармаси бош муҳандиси Абдувоҳид Дадамуҳаммедов ЎзА мухбирига.

— Темир-бетон конструкциялари, махсус ойна, пластмасса маҳсулотларидан кенг фойдаланилгани бинонинг замонавий кўриниш касб этишида ва ўта мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Эътиборли томони, қурилиш маҳсулотларининг барчаси юртимиздаги корхоналарда маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган.

Айни пайтда тўрт қаватли иншоот биринчи қаватининг ташқи қисми қизил гранитдан қопланди ва қолган уч қавати оқ



мармар билан пардозланади. Ишнинг аниқ ва тўғри олиб борилиши ягона тармоққа уланган компьютер тизими орқали тўлиқ назорат остига олинган.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: иш жараёни қизғин.**
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган суратлар.**

## Қимиз қани, сут қани?

### *Мулоҳаза учун мавзу*

Деновлик, тадбиркор Турум Мўминов бундан ўн йилча муқаддам 54 та бия сақлади. Қимиз ишлаб чиқара бошлади. Одамлар қимизни деб Мўминов Ҳазорбоғ қишлоғида очган санаторийга оқиб борадиган бўлдилар.

Кимдир Мўминовнинг бедазорларини ёзди. Бедазор бузилди. Шу билан — тамом, биялар ҳам сотиб юборилди. Қимизхўрлик тўхтади — қолди.

Мўминовни яқинда кўрувдим. — Бештагина бия сақладим. Қимиз қиляпмиз, — деди.

— Қимиз...

— Қимиз — вужуднинг қайроғи, — деди Мўминов гапимни олиб. — Мени, биласиз, шифокорман. Бу ёруғ оламда шамоллаш деган, сил деган бир ғубор бор. Дунё аҳолисининг салкам учдан бир қисми шу ғубор билан инцифирлашган. Шулардан 3 миллионтаси ҳар йили нобуд бўлади. Шу ғуборни биз бешта малҳам — стрептомицин, тубазит, рифампицин, этамбутол, перезинамит билан ювмоқчи бўламиз. Бу ҳар киши учун ҳозирги нарх-наво билан 2500-3000 сўмга тушади.

Лекин, ўша, инцифирлашган одам кунига бир литр қимиз ичсин қани, муолажанинг энг камида ярим самарасини беради. Мана, қимизнинг фойдаси сизга.

Мўминовнинг гаплари туртки бўлиб, вилоят сил касалликлари диспансерининг бош врачи Эшмўмин Узоқовни йўқладим.

— Сил касаллигининг олдини олиш, даволаш юмушлари Сурхондарёда 7 та муассасада амалга оширилади, — дейди Узоқов. — Режаланган маблағларни олиб турипмиз. Германиянинг KFW банки гранти билан моддий-техникавий имкониятларимизни яхшилаб олдик. Лекин бош муаммо — қимиз йўқ.

Бемор учун бериладиган неча ўн миллион сўмлик дори-дармонлару озиқ-овқатлар, хориж маблағлари эвазига келтирилган енгил автомашина, асбоб-ускуналар бир ёқда қолиб, бия сути — қимиз — бош муаммога айланди. Нима, вилоятнинг 20,8 минг квадрат келометрлик кенгликларига от сиғмай қолдими? Бия йўқми?

От — бор. Барча тармоқдаги хўжаликларда 12 минг бошдан зиёд от боқилаяпти. Фақат қимиз ишлаб чиқарилмайди.

— Тўқсон олтинчи йилга қадарми, Бойсуннинг «Дарбанд» номли ширкат хўжалиги қимиз ишлаш цехини юргизиб турувди. Бугунга келиб цех-пех йўқ, тугаб кетган, — дейди Шўрчидаги сил хасталиги шифохонаси бош шифокори Сайфиддин Раҳимов. — Қимиз томирлардаги, асаб йўлакчаларидаги шамоллаш қуйқаларини ювади. Вужудни тоза оқсил билан таъминлайди. Ва, айтиш мумкинки, шифохоналаримиз қимиз билан тўйинтирилса, беморларимизнинг ранг-рўйи ювилади.

— Унда, нега ўзларингиз бия сақламайсизлар? Гектарлаб ҳовли-жойингиз, ошхонадан ортган чиқиндингиз бор. От боқса бўлади, — дегимиз келади Раҳимовга. Ва шундай демоғимиз ҳам керак. Ахир,

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

## ҚАРОРИ

# Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва ҳудудий солиқ органларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида илгари давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар 2004 йил 1 ноябргача бўлган муддатда яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар)нинг Давлат солиқ инспекцияларида қайта рўйхатдан ўтишлари шарт.

4. Юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун туманлар (шаҳарлар) солиқ инспекциялари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

юридик шахс бўлмасдан товарлар импорти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобга олиш регистри юритилишини, унга содир этилган импорт операциялари ва бюджетга тегишли тўловлар тўғрисидаги маълумотлар киритилишини;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва регистрга киритилган якка тартибдаги тадбиркорларга импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталари берилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги юридик шахс бўлмасдан товарлар импорти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказсин, 1 йил муддатга тегишли гувоҳнома берган ҳолда уларни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари реестрига тегишли ҳисобга олиш тартиб рақами билан киритсин.

7. Белгилансинки, мазкур қарор чиққунга қадар якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган ва "вақтинча сақлаш" режимида жойлаштирилган товарларнинг божхона расмийлаштируви илгари белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 12 август.

---

*Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари*

***Парламент халқ бағридан ўсиб чиқади. Парламентда халқ сайлаган депутатлар фаолият кўрсатади. Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари томонидан кўппартиявийлик асосида сайланган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлади. Сенат аъзоларининг ўн олти нафари фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган, алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Лекин парламентнинг ялпи тақдирини халқ ҳал қилади. Парламентнинг сифат жиҳатидан қандай ташкил топиши кўпроқ халқ сайловига боғлиқ. Агар халқ муносиб номзодларни сайласа, юқори савияли парламент шаклланади. Демократик жараёнлар маҳсули ўлароқ вужудга келган парламент, айни пайтда мамлакатда демократия тантанаси учун хизмат қилиши муқаррар. Яъни, бундай парламент мамлакат, халқ ва давлатнинг келажаги йўлида муҳим аҳамият касб этади.***

# Қонун ижодкорлиги — сермашаққат жараён

Янги парламент фаолиятининг бош мезони ижтимоий адолат бўлмоғи тайин. Олий Мажлис ҳақидаги қонунларда ижтимоий адолатни қарор топтириш механизми ишлаб чиқилган. Унга кўра, жамиятда ижтимоий адолат қарор топмоғи, шубҳасиз.

Олий Мажлис қонун ижодкорлигидаги занжирли жараён механизми қуйидаги тартибда амалга ошади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган қонун лойиҳаси қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилади. Сенат ўн кун мобайнида қонун лойиҳасини кўриб чиқади, зарурият ва эҳтиёжга қараб, ишлов беради, сайқал топтиради, қиёмига етказиб маъқулланганидан сўнг, имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборади. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 30 кун ичида имзоланади ва эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач, қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингандан кейингина, қонун ҳуқуқий кучга киради. Демак, муайян қонунни яратиш икки палатали Олий Мажлис чиғириқларидан ўтказиш ва уни ҳуқуқий кучга киритиш учун салкам икки ой муддат кифоя қилар экан.

Лекин ҳамма вақт ҳам ҳар бир қонунни ижод этиш жараёнлари бу қадар силлиқ кечмаслиги мумкин. Чунки қонун хусусий бирор бир ижод намунаси, масалан, адабиёт ёки санъат асари эмас. Унинг моҳияти буткул бўлакча, масъулияти оғир. Қонун ижодкорлиги сермашаққат жараён. Қонун матни саводли ва мукаммал ҳолатда қиёмига етиши, қонунчилик жамоаларининг жанговар, курашчан баҳс-мунозараларини, ўрни келганда, ўзаро эътироф, ўрни келганда эса эътироз, раддияларни ҳам тақозо этади.

Бундай жараён Олий Мажлис ҳақидаги қонунларда кўзда тутилган. Қонунчилик палатаси томонидан юборилган қонунни Сенат маъқулламаслиги ҳам мумкин. Шунда Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади. Қуйи палата Сенат эътирозларини инобатга олган ҳолда қонунни қайта кўриб чиқади ва талаб даражасида маромига етказиб, қайта ишланган қонунни аввалги йўналиши бўйича Сенатга юборади. Сенат эса қонунни яна қайта кўриб чиқиб маъқулласа, уни имзолаш ва тасдиқлаш учун Президентга юборади.

Механизмнинг демократлилиги шундаки, жараён доимо шундай тартибда кечмаслиги ҳам мумкин. Қонунчилик палатасининг Сенат раддиясини қабул қилмасликка ҳақи бор. Негаки, Сенат ҳамма вақт ҳам ҳақ бўлиб чиқмаслиги эҳтимолдан холи эмас. Ундан ташқари, Қонунчилик палатаси маъқулланган қонуннинг айрим хусусиятлари баъзи сенаторлар манфаатларига тўғри келмай қолиши ҳам мумкин. Шу боисдан ҳам, Қонунчилик палатаси қонунларни Сенат раддияси асосида, Сенат хоҳишлари ёки талабларига мувофиқ келадиган даражада қайта ишлашга мажбур эмас. Агарда Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган қонунни кўриб чиқишни Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Президентга, Сенат томонидан эмас, балки Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бундай вазиятларни янада оқилона, холисона, келишувчилик йўли билан бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланган. Юқоридагидек вазиятларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссияси тузади. Масалани келишув комиссияси ўрганиб чиққач, палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилса, қонун одатдаги тартибда такомилга етказиб амалга оширилади.

Қонун ижодкорлиги механизмининг бундай мураккаб тарзда ишланганлиги шуни кўрсатадики, янги қонунлар мукаммал яратилиши зарур. Ўзга чора йўқ. Агар қонун Қонунчилик палатасида мукаммал ишланмаса, у Сенат томонидан қайтарилиши мумкин. Борди-ю Сенат ҳам у қонунни ўтказиб юборса, Президент уни қайтариши мумкин. Хуллас, етилмаган қонун қайта ишланишга маҳкум. Агарда қонун Қонунчилик палатасидаёқ пухта ишланиб, қиёмига етказилса, Сенат ва Президент чиғириқларидан бемалол ўтиб кетади. Мабодо, бирор босқичда эътирозга учраса ҳам, мукаммаллиги асосланса, охир-оқибатда тасдиқланиши муқаррар. Янги икки палатали парламентда ижтимоий адолатни қарор топтириш механизми шу тариқа амалга оширилади.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖАЕВ,**
**Тошкент Давлат Юридик институти профессори.**

---

*Семинар*

***Пойтахтимиздаги "Дедеман-Силк Роад" меҳмонхонасида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг "POYTAXT — EKSPORT" экспортчи ва сармоядорларга кўмак кўрсатиш маркази ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.***

# Тадбиркорларни қўллаш — давр талаби

Унда Адлия вазирлиги, Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар ва "Ўзстандарт" агентликлари, Давлат мулк қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қўшма корхоналар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар қатнашчилари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун берилган имтиёзлар, мазкур соҳа корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолияти ҳамда уларни ривожлантиришда банкларнинг ўрни, маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш дастури, божхона қонунчилигидаги ўзгаришлар, импорт ва экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва ушбу жараёнда маҳсулотларни сертификатлаштириш мавзуларида маърузалар тинглашди.

Шу билан бирга, семинарда мамлакатимизда иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида учраётган тўсиқ ҳамда муаммолар тўғрисида ҳам фикр юритилди, уларни ечимини топиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

*Ифтихор*

# ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ «ШАРАФ ШАМШИРИ» СОҲИБИ

***"Ҳеч бир касбни камситмаган ҳолда, шуни очиқ айтиш керакки, ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этади", деган эди Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ислом Каримов. Ана шу фикрлардан келиб чиқиб, айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда ҳарбий жабҳада олиб борилаётганислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.***

Ҳарбийларимиз ораси-да нафақат юртимизда, балки турли халқаро жанговор машқларда қатнашиб, ўзларини кўрсатаётганлари талайгина. Ана шундай етук ҳарбийларимиздан бири катта лейтенант Пўлатжон Сотволдиевдир. Юртимизда энг улуғ, энг азиз байрам арафасида Пўлатжон Буюк Британиядан ажойиб хушхабар билан етиб келди. Буюк Британия Қироллик ҳарбий академиясини муваффақиятли тугатган ёш офицер ўзининг юксак билим ва маҳорати, интеллектуал салоҳияти туфайли энг илғор чет эллик тингловчи учун таъсис этилган олий мукофот — "Шараф шамшири" билан тақдирланди. Агар бу йил Қироллик ҳарбий академиясида британиялик, шунингдек 15 дан зиёд хорижий мамлакатлардан келган 270 тингловчидан фақат икки киши — Ўзбекистон ҳамда Буюк Британия вакилига олий мукофот насиб этганини инобатга олсак, ҳамюртимиз эришган бу муваффақият юксак аҳамиятга эга эканлигини ҳис қилишимиз мумкин.



Пўлатжон Сотволдиев 1980 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топган ва шу ердаги 9-мактабда ўқиган. Уларнинг оиласида бу соҳа вакиллари бўлмаса-да, у ҳарбий бўлишни дилига тугиб қўйганди. Бунга сабаб эса...

— Еттинчи синфда ўқиб юрганимизда, — дейди у, — мактабнинг тегишли дастури доирасида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига келгандик. Ўшанда ушбу ҳарбий даргоҳда сабоқ олаётган ҳарбийлар билан суҳбатлашиб, турли-туман ҳарбий ашёларни кўриб ҳавасим ортганди. Қайтганимиздан кейин келажакда ҳарбий бўлишни ният қилгандим. Насиб этган экан, ўзим ҳавас қилган даргоҳда ўқидим. Шу ерда орттирган билим ва тажрибам туфайли бир неча бор Швейцария, Германия, Польша каби хорижий мамлакатларда амалий машғулотларда қатнашдим.

— Ҳамкасбларингиз орасида Буюк Британия Қироллик ҳарбий академиясига боришни истаганлар кўп бўлгандир?

— Албатта. Ҳар бир ҳарбий мана шундай нуфузли даргоҳларда ўқигиси, билимини оширгиси келади. Шунинг учун ҳам номзодлар кўп бўлди. Уларнинг орасидан менинг жисмоний тайёргарлигим, қолаверса инглиз тилини билишим маъқул келди.

— Кўплаб хорижий юртларда ҳарбий машғулотларда қатнашдим дедингиз. Сизнингча, у ердаги жараёнлар билан юртимиздаги ҳарбий ислоҳотларда узвийлик борми?

— Шуни очиқ айтиш керакки, юртимиз мудофаа тизимида катта ўзгаришлар рўй бераяпти. Масалан, сержантлар тайёрлаш мактабларига асос солинганлигини дунё тажрибасидан олинган андоза, деб ўйлайман. Профессионал армияга эришиш борасидаги ҳаракатлар, йигитларимизнинг жисмоний ва маънавий салоҳиятлари, айтиш мумкинки, тараққий этган мамлакатларнинг ҳеч биридан қолишмайди.

Ўрни келганда яна шуни айтиб ўтишимиз керакки, катта лейтенант Пўлатжон Сотволдиев Буюк Британиядаги Қироллик ҳарбий академиясида академик билимлар бўйича ҳам энг юқори натижалар кўрсатган тингловчи сифатида махсус совғани қўлга киритди.

Ҳа, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини бундай уч йил олдин олтин медаль билан тугатган, ўтган йили Чехияда бўлиб ўтган жанговар отиш ва амалий машғулотлар курсида "Энг илғор тингловчи" дея эътироф этилган ёш офицернинг навбатдаги ютуғи Ўзбекистон Қуролли Кучларида ислоҳотлар жадал олиб борилаётганидан, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардалар авлоди бўлмиш ҳарбийларимизнинг билим ва маҳорати энг ривожланган давлат вакиллариникидан қолишмаслигига яққол мисолдир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**СУРАТДА: катта лейтенант Пўлатжон СОТВОЛДИЕВ.**

---

# ҲАЯЖОНЛАР, СИНОВЛАР, НАТИЖАЛАР...

***Кеча республикамиздаги барча олий ўқув юртларида давлат тест синов натижалари эълон қилинди.***

Август ойини тўкин-сочинчилик ойи сифатида тилга олардик. Бугунга келиб... августни ҳаяжонлар ойи десак ҳам янглишмаймиз. Юз минглаб ёшларимиз турли ўқув юртларига хужжатлар топширишди, турли синовларда қатнашишди. Ойнинг дастлабки кунлариданоқ бўлғуси талабалардан ҳам кўра ота-оналар, яқинлари ўта ҳаяжонга берилишди: ўғил-қизларимиз олий ўқув юртларига тест синовларини топширишди.

Шу ҳаяжонли кунларда ҳамкасблардан бири ажиб бир ҳикоя айтиб қолди.

— Мен олий ўқув юртига кираман деб ҳужжат топшириб келган куним отам кетмонга соп тайёрлашга киришди, — дейди у бироз кулимсираб. — Мен ўқишга кириш учун турли китоблар титкилашни бошладим, отам кетмон соплашни: тол ходани кесиб келди, пўстини арчиб, у ён, бу ёнини йўнди, қуриган сайин эгилиб кетмасин деб тик устунга маҳкамлаб боғлади.

Бир биримизга ортиқча гап қилмасдик, икковимиз ҳам ўз юмушларимизни юракдан чиқариб бажарардик. Имтиҳон топширгани шаҳарга кетадиган куним, отам бозордан кетмон олиб келди. Устунга боғланиб қуритилган сопни олиб, кетмоннинг ёнига қўйди. Сўнг арра, ранда, болтасини олиб чиқиш учун омборга қараб юрди. Мен китоб тўла чемоданимни аранг кўтариб, кўчага юрдим.

Омадим келиб, имтиҳонларни топшириб, талаба бўлиб уйга қайтиб, биринчи кўрган нарсам кетмон бўлди: сопланибди, ишлатишга шай қилиб сўри устига қўйилибди!

Ҳозирги ёшларга ҳамманинг ҳаваси келади. Бутун маҳалладошларигача уларнинг ўқиб-унишига тилакдош.

Жиндай қийинчилик кўрсак, «Мустақиллик менга нима берди?» деймиз. Қайсарлигимизни сал нарига суриб қўйиб, атрофга разм солайлик. Келажак билимлиларники, деймиз. Билимли одамларни улуғлаяпмиз, уларнинг кўпроқ бўлишини истаяпмиз. Билимли одамларни замоннинг ўзи талаб қиляпти. Бугунги ёшларимиз дунё билимларини эгаллашмоқда. Жаҳоннинг энг нуфузли ўқув юртларида, университетларида таълим олишмоқда.

Айни кунлардаги ҳаяжон ҳам ўқишга интилишнинг кучайганидан, буни ҳамма-ҳамма истаётганидан нишона эмасми. Хўш бу йилги ҳаяжонли синовлар натижаси қандай бўлди?

— Барча олий ўқув юртларида тест синовлари эълон қилинди, — дейди Давлат тест маркази раҳбари Баҳром Исмоилов. — Ҳозирча бирор жойдан тест синовларининг ўтказилиш тартиби бўйича норозилик бўлгани йўқ. Вилоятлардаги вакилларимиз барча жараённи назорат қилиб туришибди. Айтиш керакки, бу йил абитуриентлар ўртасида конкурс катта бўлди. Ўтган йил олий ўқув юртларига 223 мингдан зиёд ҳужжат топширилган бўлса, бу йил 250 мингга яқин талабгор бўлди. Табиийки, коллеж ва лицейларни битирувчилар анча кўпайди. Бюджет ва контракт бўйича ўқишга қабул қилинган талабалар сони ўтган йилдаги миқдорда қолди.

Ҳа, тест синови натижалари ҳар бир абитуриент учун қандай тугаганидан қатъий назар, уларнинг билим олишга бўлган интилишлари, юрт ривожи учун хизмат қилишга бўлган истаклари тобора кучаяётгани ҳаммамизни бирдай қувонтиради. Биз уларнинг барчасини шундай катта билимлар синовида иштирок этгани билан қутлаймиз. Доимо, ўқишда ҳам, ишда ҳам шундай синовларга тайёр бўлишларини истаб қоламиз.

**Рустам ЁРЛАҚАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Қимиз қани, сут қани?

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Дарбанд» қимиз бермаяпти, фермерлар бия соғмайди, деган қуруқ гапдан нима фойда-ю нима нажот.

...Бия сути — қимиз-ку, йўқ экан. Лекин биз айтган шифохоналарда ҳеч қурмаса оддий сигирнинг сути бордир. Бор. Лекин буям кам. Термиз шаҳридаги 315 ўринли диспансер, масалан, кунига юз литрдан сут олар экан. Шунинг ўттиз литрини бир фермер ва етмиш литрини Термизсут масъулияти чекланган жамият таъминлар экан.

Мавзудан озгина четлаб бўлсада, вилоятда сут ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш меъёрларидан хабар бериб ўтсак: ўтган йили барча томорқадаги хўжаликларда 36 минг тоннагача сут етиштирилган. Шунинг 95 фоизи хонадонларда ишлаб чиқарилган. Бу сут чашмасини аҳолига тақсимлаб чиқсангиз, жон бошига бир йилга 211 килограммдан ва бир кунда 660 граммданга тўғри келади. Бу — яхши кўрсаткич. Демак, қимиз бўлмаса ҳам одамлар сигирнинг сутидан тўйиб-тўйиб ичиб туришипти.

Лекин... озиқ-овқат дўконларига кириб қаранг: сут ва сут маҳсулотлари тақчил. Ҳатто, шаҳар дўконларидан ҳам иштаҳамиз тортган пайтда сут ё кефир ё қаймоқ тополмай қолишимиз ҳеч гап эмас. Аксарият мактабгача тарбия муассасалари ва шифо масканлари сут таъминоти бизда рисоладагидай деб мақтана олмайди. Шу манзарани назардан қочирмай гапирадиган бўлсак, сут-қатиқнинг мўл-кўллиги ҳақида ҳозиргина айтганларимизга ўзимиз шубҳа билан қарай бошлаймиз. Ростда, вилоятдаги 300 мингдан ошиқ хонадоннинг қайси сигири қанчадан сут бераётганини қайси статист тарозига солиб ўлчаб ўтирибти, дейсиз.

Энди, сут ва сут маҳсулотлари савдо-сотиғи тағин-да ишкалроқ. Бу ишкаллик аввало, вилоятда сутни қайта ишлаш соҳаси саноатнинг бир мунча қолоқ тармоғига айланиб қолгани билан изоҳланар. Масалан, бир кунда 5 тонна сутни қайта ишлайдиган Термизсут масъулияти чекланган жамият 60-70 фоиз қувват билан ишламоқда. Энг ачинарлиси, шу тармоқ корхонасида вилоят етиштираётган сутнинг уч юз олтмишдан бир қисми қайта ишланади, холос. Деновдаги «Афросиёб» гўшт ва сут ишлаб чиқариш корхонасидаги вазият ҳам шундан пеш эмас. Корхона кунига 30 тонна сутни қайта ишлаш имкониятига эга бўла туриб, бу кўрсаткични 600-700 килограммдан ошира олмаяпти.

Ана энди тасаввур қилинг: вилоятда кунига минг тонна сут ишлаб чиқарилса, шунинг деярли ҳаммаси (аллақандай тўрт-беш тоннани истисно қилсак) тўғридан-тўғри истеъмолчининг дастурхонига чиқиб кетаяпти. Сотувдаги ташаббус бўлса сут кетди, қатиқ кетди, олиб қолинг деб жар солиб турган олиб-сотарларнинг томонида. «Афросиёб»нинг раҳбари Амир Нарзуллаевнинг фикрича бўлса, давлат таъминотидаги муассасаларнинг мутасаддилари сут ва сут маҳсулотини махсус корхонадан эмас, қоғозлаштириш ва ҳисоб-китоблар ўнғайроқ бўлсин дебми, сутни дуч келган одамдан, аниқроғи кўчадан харид қилишни хуш кўришади. Озиқ-овқат дўконлари эса сут савдо-сотиғини аллақачон унутиб қўйишган. Одамлар қандай сут ичаяпти. Бу сутнинг таркибида қораоқсоқ ё, худо кўрсатмасинки, сил таёқчалари борми-йўқми, бу ишларнинг назорати ҳам ўлда-жўлда.

Ярим чину ярми ҳазил қилиб бир танишим, биз томонларда дорихоналар озиқ-овқат дўконлари сонига яқинлашиб қолди, деган гапни айтди. Энди ўйланг, қимиз ва тоза сут ҳам хўрак, ҳам дори-дармон. Дори-дармон-у озиқ-овқат дўконига қўйиб сотаверса бўлади. Сотишдан олдин бўлса, табиийки, уни ишлаб чиқармоқ керак. Ишлаб чиқармоқ учун эса... Энди бу оддий иш учун KFW банкининг махсус гранти шарт эмасдир. Эшикдан оққан сувни қадрламоқ лозим, деган ҳикматга суяниб иш тутмоқ кифоядир. Нима дедингиз?

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# COSCOM — ҲАҚИҚИЙ ҲАМРОҲ!



***Бугунги кун одамининг ҳаёти барча кўрсаткичлар бўйича жойида. Айтайлик улар юз йил аввалгига нисбатан анча шинам ва хавфсиз ҳаёт кечиришяпти. Ҳақиқатан ҳам, барча техноген фалокатлар, самолётларнинг қулаши ва транспорт ҳалокатларига қарамай, бугун умримиз узайиб, яхши яшамоқдамиз, турмуш шароитимизни ўзимизга мослаштириб оляпмиз. Агарда ҳаво исиб ёки совиб кетса борми, совутгични улаймиз. Ҳаттоки, телевизорнинг қулоғини бошқа дастурга бураш учун ўрнингдан турмайсан — бунинг учун масофадан туриб бошқарадиган пульт бор. Мобил алоқасини айтмайсизми? Қаерда бўлишингдан қатъи назар, оила аъзоларинг билан бемалол гаплашасан, ҳаммаси жойида эканини эшитганингдан сўнг кўнглинг таскин топади.***

Шундай эса-да, турмушимиз бир маромда кечаяпти, дея олмаймиз. Мисол учун, фарзандингизнинг мактабда таълим олиши, баъзи бир жойларда эса болалар боғчасига жойлаштириш учун ҳам имтиҳон топширишга тўғри келмоқда. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, ҳаяжонланишдан фақатгина мириқиб дам олиш, бунинг учун яшаш муҳитини ўзгартириш ёрдам берар экан. Шимолликлар дам олиш учун жанубга, жанубликлар шимолга бормоқда, умуман, бутун дунё бўйлаб саёҳат қилмоқда. Биз Европага сарой ва ибодатхоналарни томоша қилиш, жазирама иссиқдан қочиб дам олишга борсак, европаликлар юртимизга Бухоро ва Самарқанддаги осари-атиқаларни томоша қилиш, жазирама қуёш остида тобланиш мақсадида келишади.

Дам олиш масканига келган заҳотиёқ, биринчи галда қилинадиган иш — бу уйдагиларга қўнғироқ қилиб, соғ-саломат етиб келганингни айтиш. Дам олиш яхши-ю, лекин офисдаги ишларни ҳам унутмаслик керак. Дарвоқе, ҳамкорларга қўнғироқ қилиб, бир-икки ҳафта ишда бўлмасликни ҳам билдириб қўйиш лозим. Ўзимдан қиёс: уяли алоқа, халқаро автоматик роумингнинг борлиги ва «COSCOM» компанияси хизматларидан фойдаланаётганим яхши иш бўлди. Бу дунёнинг 64 мамлакатидан туриб, яқинларинг билан бемалол гаплашиш имконини бермоқда.

Мана, денгиз бўйидаги қумда тобланиб ётибман, олис-олисларда дельфинлар кўринади, болалар мазза қилиб чўмилмоқда. Шу пайтда онамга қўнғироқ қилиб, қандай дам олаётганимиз, бу ернинг табиати, тоза ҳавоси ҳақида сўзлаб бердим, набиралари ҳақида гаплашдик. Ҳатто 15 дақиқа гаплашиб қўйганимни билмай ҳам қолдим. Уйдагилар билан ҳар куни гаплашаман. Гоҳида менга ҳам қўнғироқ қилишади. Умуман, дам олиш мароқли ўтмоқда, ташвишу ҳаяжондан асар ҳам йўқ.

Афсуски, меҳнат таътили охирлаб бормоқда. Чўнтакда пул ҳам тугаяпти. Лекин ишга қайтганингдан кейин ҳам яшаш керак-ку? Маошни эса бир ойдан сўнг беришади. Мана, сенга биринчи ташвиш қолаверса, таътилдалигимда почта қутисида коммунал хизматлар учун бир нечта квитанция тўпланибди.

Яқинда болалар мактабга боради, демак, уларга ҳам кийим-кечак олиш, боз устига, уяли алоқа компанияси билан ҳам ҳисоб-китоб қилиш керак. Гаплашдингми, ҳақини ҳам тўлаш керак-да! Ўзимга-ўзим айтгандим-а, кўп гаплашма деб. Мана, оқибати! Бироқ сўзлашувлар учун ҳисоб-китоб халқаро автоматик роуминг тартибидаги қўнғироқларни ҳам ўз ичига олади. Дам олиш чоғида қанча вақт гаплашганимни ҳисоблайман — 200 дақиқадан ортиқ. Ҳамёнда пул йўқ пайтда бу ҳам бош оғриқ бўлди. Лекин наилож? Ҳисоб-китобларим бўйича камида бир ярим баравар кўп пул тўлашим керак. Лекин компанияда менга тақдим этилган ҳисоб-китоб квитанциясини кўриб, кўзларимга ишонмадим. Абонент бўлими ходимидан нима учун бунча кам ҳисоб кўрсатилганини сўрадим. Мен буни пул тўлашдан бўйин товламоқчи бўлиб сўраганим йўқ. Лекин нимага бунча кам? Маълум бўлишича, дам олишга кетаётганимда, яъни 2004 йил 1 июлдан бошлаб халқаро автоматик роуминг хизматлари учун тарифлар 43 фоиз камайган экан. Ҳақиқий дам олиш дегани шу эмасми? Бу таътилдан кейинги энг биринчи ҳақиқий ҳаяжонли он бўлса керак. «COSCOM» хизматларидан фойдаланаётганим қандай яхши! Ҳақиқатан ҳам, тармоқ сифатига гап йўқ. Компания турли замонавий хизматлар кўрсатади. Нархлари эса жуда ҳам арзон. Май ойидаёқ халқаро йўналишлар бўйича қўнғироқлар сарф-харажатини одатдаги мавжуд қўнғироқлар қийматига нисбатан ўртача 30 фоизга камайтириш имконини берадиган янги қўшимча (муқобил) халқаро тариф жорий қилинган эди. Энди эса халқаро автоматик роуминг хизматлари учун ҳам нархлар камайтирилди.

«COSCOM» компанияси бир неча йилдан буён ташкилотларга "Corporate" таъриф режалари тўпламини ҳавола этмоқда. Бу, албатта, фойдали. Битта шартнома ичида бепул ва чекловсиз гаплашиш мумкин. Офис АТСни нима учун сотиб олганимизни тушунмайман.

Болаларимнинг қўлидаги телефонларни ҳам янги REAL тизимига улатдим, ҳар бирига беш долларлик карточка олдим. «Беш» баҳо олдими — беш долларлик карточка, икки «беш»га иккита карточка. Агар «икки» олса — ҳеч нарса йўқ. Энг асосийси — уч ой мобайнида ўз телефоним орқали (у ҳам «COSCOM»га уланган), фарзандларимнинг ҳисобида пул бор-йўқлигидан қатъи назар, улар қаерда ва нима иш билан машғуллигини бепул билиб тураман. Мана буни ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ҳақиқий ёрдам деса бўлади. Бир сўз билан айтганда, REAL!

COSCOM

| Мамлакатлар | Оператор-компаниялар | 2004 йил 1 июлгача бўлган таърифлар | | 2004 йил 1 июлдан янги тарифлар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *Кириш қўнғироқлари* | *Ўзбекистонга қўнғироқлар* | *Кириш қўнғироқлари* | *Ўзбекистонга қўнғироқлар* |
| Россия | MTS | $ 1.36 | $1.95 | $1.00 | $ 1.70 |
| Россия | KB Impulse | $ 1.92 | $ 2.50 | $ 1.56 | $ 1.50 |
| Россия | Megafon | $ 1.48 | $ 3.60 | $ 1.42 | $ 3.09 |
| Қирғизистон | BITEL | $ 1.59 | $1.67 | $1.30 | $1.66 |
| Қозоғистон | K-Cell | $ 0.96 | $2.50 | $0.60 | $2.00 |
| Қозоғистон | Kar Tell | $ 0.96 | $ 2.49 | $ 0.60 | $2.00 |
| Украина | Kyivstar | $ 1.75 | $ 2.43 | $ 1.42 | $ 1.37 |
| Украина | UMC | $ 2.99 | $ 2.02 | $ 2.65 | $ 1.32 |
| Украина | Golden Telekom | $ 1.99 | $ 2.30 | $ 1.58 | $ 1.35 |
| Туркия | Aysell | $ 2.86 | $ 2.01 | $ 2.50 | $ 1.20 |
| Туркия | Aria (IS-TIM) | $ 2.86 | $ 1.00 | $ 2.50 | $ 1.00 |

Ҳозир «COSCOM» компаниясининг «FORUM» тариф режасини мўлжаллаб турибман. Биласизми, Ўзбекистондаги барча уяли алоқа операторларининг абонент рақамларига чиқиш қўнғироқлари нархи атиги 0.05 долларни ташкил этади. Дўстларимнинг ҳаммасида уяли телефон бор. Айримларида эса иккитадан. Дақиқалар ҳақида ўйламасдан, хоҳлаганингча гаплашавериш мумкин. Раҳмат, сенга, «COSCOM»! Агар менинг сўзларимга ишонмасангиз, тарифларга қаранг. Хизматлар лицензияланган.

**Дам олувчилардан бирининг ҳикоясидан.**

t



# Уста

*Чолғу асбобларини созлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. У ўта нозик дидни, фидойиликни талаб қилади. Озгина эътиборсизлик эса чолғу асбобларини яроқсиз аҳволга келтириб қўйиши мумкин. Жиззахда чолғу асбоблари усталари талайгина. Фориш-лик уста Алибоевлар сулоласи уларнинг сардори десак хато қилмаймиз. Айниқса, бу соҳада Сорабек ака билан беллашадигани топилмайди. Унинг қўлига тушган чолғу асбоблари сайрайдиган даражада созланади, дейишади.*

*Айни пайтда уста ўз ҳунари сирларини шогирдларига кунт билан ўргатаётир.*

**СУРАТДА:** Сорабек Алибоев.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Оқибатли одамлар

Машина олға интилади. Унинг соҳиби бир қўли билан рулни тутганча иккинчиси билан магнитафонга кассета қўяди. Майин, юракларга ором бериш билан бирга ҳаёт ҳақида ўйга толдирувчи қўшиқ янграйди.

Абдураҳмон қўшиқ, шеър шайдоси. Шу боис ижодкорларга ҳурмати баланд. Гарчи соҳаси адабиётдан айри бўлса-да бу борада теран фикрлай олади. Қўшиқни ҳам шеърни ҳам саралаб эшитиб, саралаб ўқийди.

Индинга дўстиникида тўй. Келин оляпти. Жўжабирдай жон бўлган бу оғайниси, ҳойнаҳой, тўй қиламан, деб бироз уринган кўринади. Шунга далда бўлиш учун, бирор ёрдам бериш учун йўлга отланди. Аслида, кишига ҳамма феъл ота-онадан ўтади, шекилли. Отаси Абдулқосим ҳам ўзи шунақа одам. Бирор нарсадан қисиниб, озгина сиқилиб турган ошна-оғайниларига ҳотамтой. «Бирни берганга худо мингни беради» дейди. Айтганлари рост. 73 ёшга кирибдики, ҳамон ўша феъл-атвор. Ҳамон ишлайди, «Тадбиркор» фермер хўжалигини бошқаради. Меҳнат қилиб чарчамайди, қўли саховатдан бўшамайди. Уйдаги барака шундан бўлса керак.

Онаси-чи? Эргашой она етмишга кирганга сира ўхшамайди. Қўйиб берса ҳалиям тандир-тандир нон ёпади. Ўнталаб сигир соғади, дала ишларини дўндиради. Бироқ, энди фарзандлари қўлидан ишини олган.

Абдураҳмоннинг турмуш ўртоғи Малика қайнонасига тортди. Унинг ишларини кўрган қўни-қўшнилар «Шу келиннинг тупроғи қайнонасиники билан бир жойдан олинган-ов» дейишади. Ҳақиқатан, Малика билиб-билиб ишини қиладиган келинлардан чиқди. Озода, саранжом. Тайёрлаган таомларининг мазаси оғизда қолади. Томорқа иши, мол-ҳол саранжомлиги унинг доимий юмуши. Ёнига фарзандларини олиб эрталабдан кечгача ҳовлининг у бошидан бу бошига елади. Аёл — уйнинг чироғи, деганлари рост. Бугун фарзандларининг ҳаммаси талаба. Уччови Тошкентда, бири Гулистонда. Меҳмондайин ҳар замон ҳар замон келишади. Майли, илм олишсин. Замонга муносиб бўлишсин.

Абдураҳмон 1982 йили ўқишни битириб ишни Беруний номли жамоа хўжалигидан бошлаган эди. Иш билан бирга китобни қўлидан қўймади. Мана ҳали-ҳамон сабоқ олади. Энди бу сабоқларни устозлари, дўстлари, ҳаёт бераяпти. Ҳаётда уққан энг улкан сабоқлардан бири шу бўлдики, «Яхшилик қил сувга ташла балиқ билар, балиқ билмаса Холиқ билар».

Абдураҳмонларнинг қишлоғи Мирзаобод туманидаги чекка қишлоқлардан бири. Қишлоқ аҳли газсиз, сувсиз қийналишарди. Абдураҳмон кетадиган харажатларни ҳисоблаб дарҳол лойиҳа тайёрлатди. Сув минораси ўрнатиб сув чиқартирди, газ қувури торттирди. Қишлоққа олиб борадиган йўлга асфальт ётқизди.

## *Меҳр кунда керак*

Ҳар йилгидек Абулқосим отанинг «Тадбиркор» фермер хўжалиги хирмони донга тўлди. Яна қанча рўзғорга барака кирадиган бўлди. Негаки, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш бу фермер хўжалик учун одатий ҳолга айланган. Шу отанинг боласи Абдураҳмон Пирматовга эса сиз ўз баҳоингизни бераверинг. Бугун у дўстининг бир оғирини енгил қилиш учун йўлга отланган. Эртага маҳалласидаги қарияларни зиёрат қилмоқчи, сўнг «Меҳрибонлик уйи»га бирров кириб ўтади. Бозорга сархил мевалар чиқибди, улардан олиб қишлоғидаги бир-икки беморлардан ҳол сўраши керак. Булар Ховос нефть маҳсулотлари корхонаси директори Абдураҳмон Пирматовнинг ишдан ташқари юмушлари. Шундай йигитларга ҳавасинг келади. Меҳру-мурувватни, саҳоватни юрагига жойлаб ўстирган ота-онасига, элига тасанно, дейсан.

**Маматқул БОЗОРБОЕВ.**
**Гулистон шаҳри.**


«ВОЛГА» «ГАЗЕЛЬ» автомобиллари СОТИЛАДИ



«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102, ВАЗ-2107 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.
Товар сертификатланган
Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган. 191-03-80, 191-10-43.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !
BANK
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига ! Товар сертификатланган



«ГАЗ-31105»



«ГАЗ-3102»

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ
«ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.
Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эвазига автомобиль етказиб беришни таклиф қилади.
Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62;
Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.



«ВАЗ-2106»



«ГАЗЕЛЬ»

O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

O'zLotto
"ЎзЛотто" лотереяси 34-тиражининг ҲИСОБОТИ
Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган сонли "O'zLotto 6\40" телевизион лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.

| Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: | 3 | 22 | 30 | 8 | 37 | 9 |
|---|---|---|---|---|---|---|

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 7 август
Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5та тўғри топилган сон учун | 311 975 | 0 | 0 |
| 4та тўғри топилган сон учун | 311 975 | 37 | 8 431 |
| 3та тўғри топилган сон учун | 1 091 912 | 390 | 2 799 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 14 август куни ўтказилади.
Кейинги тиражнинг ЖЕК-ПОТ суммаси: 100 000 000 сўм
Тўкин ҳаёт сари!
Тошкент, Ниёзбек йўли 24 тел. 136-70-69

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !
«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» сизларни биржа савдоларига таклиф этади.
БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:
- Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган, майдони 1642 кв.м. бўлган «Нур» мажмуаси, бошланғич нархи — 750 000 000 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.м. бўлган бино қисми; бошланғич нархи — 2 939 110 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.м. бўлган бино қисми; бошланғич нархи — 2 540 396 сўм;
- Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.м. бўлган бино; бошланғич нархи — 48 648 225 сўм;
- Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.м. бўлган 19-қисми; бошланғич нархи — 5 775 000 сўм;
- Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Матбуотчилар кўчасида жойлашган «POYTAXT SAVDO MARKAZI» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятининг низом жамғармасидаги 17,0742 фоизлик давлат улуши; бошланғич нархи — 2 926 998 685 сўм;
- «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги дастгоҳлар:
- СМЖ-357 дастгоҳи, бошланғич нархи — 1 400 221 сўм;
- 1Г 340 П токарно-револьвер дастгоҳи, бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи — 3 000 000 сўм.
Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а уй. Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51. Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

***Республикамизда зиё маскани саналувчи кутубхоналар оз эмас. Пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган «Турон» кутубхонаси ҳам шулар жумласидандир. У ўтган асрнинг ўнинчи йилларида маърифатпарварлик ғояларини тарқатувчи марказ сифатида довруғ қозонган. «Турон» жамияти, «Турон» театри, «Турон» газетасига даҳлдор бўлмиш кутубхона Абдулла Қодирий, Чўлпон, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний сингари улуғ сиймоларимиз суйган ва уларни тарбиялаган тарихий маскан сифатида ҳам эъзозлидир.***

# Маърифат булоғи

Кутубхона 1918 йили юқорида номлари зикр этилган маърифатпарвар адибларнинг шахсий жамғармаси ҳисобига ташкил этилган эди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Миркарим Осим, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов каби ёзувчи ва шоирлар, кўплаб машҳур олимлар кутубхонанинг мунтазам ўқувчилари бўлишган. Шу боис бу ерга келган ҳар бир киши кўнглида тарих нафасини туяди.

Мазкур кутубхонанинг Эски шаҳарда ташкил қилиниши ҳам бежиз эмас. Бу ҳақда Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов шундай дейди:

— Беихтиёр савол туғилади: нега оталаримиз кутубхонага жой қидирганларида янги шаҳардан, хушманзара жойдан қидиришмаган. Чиройлироқ бирор майдон, виқорлироқ муҳташам бино топилмасмиди? Менимча, «Турон» кутубхонасининг бу ерда ташкил қилинишида катта маъно бор эди. Бу ишга бош-қош бўлган маърифатпарварларимиз биринчи навбатда эски шаҳарда одамлар ўртасида зиё нурларини таратишга ҳаракат қилганлар. Иккинчидан, улар одамларга гўё: «Эй, биродари азизлар, мана буни бозор дейдилар. Бу бозорда битта одам ҳалоллик билан ризқ топса, ўнта одам минг хил хийла билан иймонини сотиб пул топади. Бундай одамлар фақат пулга сажда қиладилар. Улар ҳамма нарсани — виждонни, иймонни, диёнатни ҳам пул билан ўлчайдилар. Аммо дунёда пулдан азизроқ, мол-дунёдан ҳам қимматлироқ нарса бор. Бу инсонни инсон қиладиган, унинг ҳаётига нур бағишлайдиган — китобдир. Пулингиз ҳар қанча ошиб-тошиб кетмасин, китоб ошноингиз бўлмаса — ҳаммаси бекор!» деган маънода кутубхонани шу ердан тиклашган ва қаранг-ки, уларнинг ҳаракати зое кетмади.

Ҳа, бу кутубхона ташкил этилганига ҳадемай бир аср тўлади. Бу ҳазилакам муддат эмас. Шу давр мобайнида «Турон» мулкидан қанчадан-қанча кишилар баҳраманд бўлмади, дейсиз. Бу даргоҳга кимлар келиб кетмади, не-не таналар нишонланмади.

Истиқлол йилларига келиб, кутубхона фаолияти янада жонланди. Янги-янги китоблар, даврий нашрлар билан бойиди. Умуман олганда, «Турон» бу борада миллий кутубхонадан кейин иккинчи ўринда туради. Айни вақтда унинг хазинасида 400 мингдан ошиқ турли адабиёт, 100 мингга яқин вақтли нашрлар сақланмоқда. Ҳатто ўтган аср бошларида нашр этилган кўплаб китоб ва газеталар нусхалари кўз қорачиғидек асраб келинаяпти.

Бу маърифат масканида йил сайин хорижий технологиялар жорий этилмоқда.

## Зиё масканларида

1997 йилдан бошлаб китобхонлар Интернет тармоғидан фойдаланиш имконига эга бўлишди. Эндиликда бир қатор хорижий кутубхоналар билан электрон алоқа ҳам ўрнатилган. Яқинда илмий универсал кутубхонада даврий нашрларнинг қироатхонаси ташкил этилди.

Қадим тарихга эга «Турон» ҳозирда Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган 500 та кутубхона ишига бош-қош бўлаётган «отахон» маскан. Вилоятдаги шунча нурхонада бўлиб ўтаётган катта-кичик турли тадбирлар сценарийси ҳам шу ерда туғилади. Улар учун услубий қўлланмалар яратишда, кутубхоначилик ишидаги янгиликларни татбиқ этишда ҳам амалий ёрдам бериб келади. Неча юзлаб ходимлар малакасини оширишда ҳам «Турон» катта ишларни қилаяпти. Хуллас, уни вилоятдаги кутубхоналарнинг бош қон томири дейиш мумкин.

Очиғи, билим зиёсини тарқатишдек эзгу иш билан шуғулланаётган кутубхоналарни ҳар қандай шароитда ҳам фақат яхшилик қилувчи, яхшилик истовчи камсуқум, камтар инсонларга ўхшатгимиз келади. Шу маънода «Турон» каби маърифат кошоналарига янада кўпроқ эътибор бериш, имкон қадар кўмаклашиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимизга айланса деймиз.

— Ўттиз уч йилдан бери шу ерда хизмат қиламан, — дейди кутубхона директори Вазира Собирова. — Ходимларимизнинг аксарияти ҳам кўп йиллардан бери зиё масканида фаолият юритаётган тажрибали мутахассислар.

Опа қироатхонани айланар экан ўзгача ҳаяжон билан сўзини давом эттиради:

— Табаррук масканнинг шуҳратини сақлаб қолиш, халқимизнинг диққатини жалб этиш учун турли тадбирлар ўтказиб борамиз. Жумладан, тарихимизга оид ҳар бир сана, улуғ алломаларимизнинг таваллуд айёмлари қироатхонамизда катта байрам тарзида нишонланади. Турли юбилей кечалари, шоир-ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиш ишларимизнинг асосий мундарижасини ташкил этади. Назаримда, меҳнатларимиз зое кетмаяпти. Авлодлар давомийлиги масканимизда сақланиб қолмоқда. Бир замонлар Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқа улуғ ёзувчиларимизнинг кутубхонада ўз мутолаа қилиш жойлари бўлган бўлса, бу анъана давом этмоқда. Масалан, анави бурчакда, ўрта қаторнинг иккинчи столини ҳамиша Мирпўлат Мирзо эгаллайди. Хуршид Дўстмуҳаммад дераза ёнидан жой олиб китобга шўнғиб кетади...

Дарҳақиқат, уларнинг китобга, нурхонага бўлган муҳаббати атрофдагиларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Кутубхона кўплаб талаба ёшлар учун ҳам севимли масканга айланган. Улар бу ерда китоб ва вақтли нашрлардан фойдаланибгина қолмай, турли тадбирларда ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарли. Зиё маскани ходимлари ҳозир асрга тенглашаётган кутубхона музейини ташкил этиш ҳаракатида. Зеро, ёшларимизни китобга, маърифий ишларга қанчалик жалб этсак, келажагимизнинг нурли бўлишига шунчалик замин ҳозирлаган бўламиз. Аслида қироатхоналарнинг бош мақсади ҳам шу.

**Рустам БОЙТЎРА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Санкт-Петербургда савдо дўкони

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида Қўқондаги «Улуғбек» ҳиссадорлик жамиятининг савдо уйи очилди.

Бу ерда қўқонлик трикотажчилар томонидан тайёрланган пайпоқ ҳамда колготкалар савдоси йўлга қўйилди. Табиий ипдан тайёрланган маҳсулотлар пишиқ-пухталиги, бежиримлиги билан мижозларга манзур бўлмоқда. Айни кунда Ўзбекистондан 30 минг АҚШ доллари миқдоридаги дастлабки маҳсулотлар экспорт қилинди. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашларича, йил давомида Санкт-Петербург шаҳридаги савдо дўконига 7 миллион жуфт пайпоқ ва колготкалар етказиб берилади.

— Айни кунда 12 турдаги янги маҳсулотларни тайёрладик, — дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Муҳсинжон Исҳоқов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Унинг аксарияти эркаклар, болалар ва аёллар пайпоғи ва колготкалари, спортчилар учун махсус тикилган пайпоқлардир. Йил охирига бориб эса яна 5 турдаги бозоргир маҳсулотларни истеъмолчилар ҳукмига ҳавола қиламиз.

**Расул КАМОЛ,**
**«Туркистон-пресс».**


UZDUNROBITA
first cellular




**Уздунробита**
**Ўзбекистон Олимпия қўмитасининг**
**бош ҳамкори**

**ЎЗ ЖАМОАНГНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛА!**

NEW!

**”Олимпиада — 2004” хизмати**

Грецияда Олимпиада — 2004 ўйинлари ҳақида маълумотлар сизнинг телефонингизда!

1. «WAP» режимида — WAP.UZDUNROBITA.UZ сайтида «Олимпиада — 2004» саҳифасини очиб ўйинлар жадвали, натижалари, командалар рейтинги билан ўйинлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишингиз мумкин.
2. SMS орқали — командалар рейтинглари, совринлар сони ҳақида маълумот:
   - 2004 рақамига 0 (ноль) рақамини юборсангиз Сизга ёрдам (Help) маълумоти келади;
   - лотинчада керакли давлатнинг биринчи учта ҳарфини юборсангиз ўйинлар якунлари ҳақида маълумот оласиз (UZB — Ўзбекистон).
3. Plus SIM карталари эгалари учун — командалар рейтинглари, совринлар ҳақида маълумот: янги менюни активлаштириб — «Информация» менюсининг ичида янги «Олимпиада — 2004» саҳифаси пайдо бўлади, у ердан керакли давлатни танлашингиз мумкин.

«Олимпиада — 2004» хизмати тарифлари:
- WAP режимида 1 дақиқа эфир вақти учун - $0,10
- SMS ва PLUS режимида бир хабар учун - $0,03

**www.uzdunrobita.uz/wap.uzdunrobita.uz** **Хизматлар лицензиялаштирилган.**

9607R/2795


Мардлар қўриқлайди Ватанни!

# Қадамлар шахдам, қарашлар ўктам

— Булар бўлажак артиллериячилар, — дейди Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик муҳандислик билим юртининг бошлиғи, полковник Шуҳрат Хусаинов шахдам қадамлар билан келаётган йигитларга ишора қилиб. — Йигитларимиз амалий дала машғулотидан қайтишаяпти.

— Тошкент шаҳрининг Миробод туманиданман, — дейди кичик сержант Виктор Лушпин. — Дўстим Жонибек Абдувалиев Тошкент вилоятидан. Иккаламиз ҳам иккинчи курсдамиз. Аъло ўқиш, яхши хулқ-атворли бўлиш, тенгдошларимизга ўрнак кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз. Зотан, бугунги кун ҳарбийси ҳар томонлама етук бўлмоғи лозим. Шундагина интилаётганимиз — профессионал армияни тезроқ барпо этамиз.

Тўртинчи курс курсантлари, андижонлик Акмал Аъзамов, каттақўрғонлик Акбар Аҳатов, Самарқанд шаҳридан Шуҳрат Муҳиддинов ва чирчиқлик кичик сержант Александр Чекутевлар билан суҳбат мавзуи ҳам дала машғулотларининг қандай кечаётгани ҳақида борди. Улар тўплардан ёпиқ усулда отишни қандай ўзлаштирганликлари, бу борада устозлари подполковниклар — Солижон Ҳафизов ва Сергей Пановнинг хизматлари ҳақида гапириб беришди.

— Шогирдларимизнинг жаҳон ва Осиё мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаётганларидан мамнунмиз, — дейди майор Мухтор Азизов. — Масалан, тўртинчи курс курсанти Ҳамид Йўлдошев тай-бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади. Кичик сержант Михаил Соколов дзюдо кураши бўйича Осиё чемпионлигини қўлга киритди. Оддий аскар Акмал Усанов ҳам ўтган йили Осиё чемпиони деган шарафли номга мушарраф бўлди.

Мазкур билим юртидан ҳадемай яна бир гуруҳ битирувчилар учирма бўлади. Уларнинг мақсадлари бир. Она-Ватанни кўз қорачиғидек асраш, унинг ҳар сиқим тупроғини душманлардан ҳимоя қилиш. Осмонимизнинг ҳамиша осудалигини сақлаш.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)

**ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»**

предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)



| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну (без НДС) сум. Цены действительны по 07.09.2004 г. |
|---|---|
| **ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:** | |
| ДУ 15x2,8 мм | 899000 |
| ДУ 65x4,0 мм | 849000 |
| ДУ 80x3,5-4,0 мм | 849000 |
| ДУ 100x4,5-5,0 мм | 849000 |
| **ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:** | |
| 76x3,5 мм | 849000 |
| 89x4,0-5,0 мм | 849000 |
| 108x3,5-5,0 мм | 849000 |

Трубы водогазопроводные ГОСТ 3262-75, ДУ 15,20,25,32,40,50 мм поступят на склад в г.Ташкент после 20.08.2004 г.

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):
- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны:
132-20-56, 134-05-75, 134-07-94,
факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент,
ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж,
здание института
«Узбеккоммуналлойиҳа».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.



ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

**ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:**
- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland

ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE




БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.


Тошкент Ирригация ва мелиорация институти жамоаси қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети декани муовини, доцент Акром Нуритовга падари бузруквори
**РАЖАББОЙ отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Йўл хўжалигининг кўп минг кишилик жамоаси «Навоийавтойўл» йўл қурилиш худудий шўъба ташкилотининг Зиёвуддин йўллардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи
**Ўктам Яндашевич РЎЗИҚУЛОВнинг**
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусаҳҳиҳ — И. Турсунова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23456